



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 11 август № 165 (3440) Чоршанба

Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига

Азиз ўғил-қизларим!
Муҳтарам спорт мураббийлари!
Аваллабор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмақдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч қимдан кам эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ўшбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни кўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, барқамол авлод тарбияси йўлидаги узокни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳақжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиядачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат голиб бўлиш, балки унда иштирок этиш-

нинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустақам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб муҳлисларингиз, жамоатчилигиниз яши биледи.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзага хос мезондир. Ўйламанки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз. Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари кўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шухратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммагизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август куни Афина шаҳрига жўнаб кетди.



ОМАД ЁР БЎЛСИН, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитасининг раиси Р. Курбонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳномалигида спортни ривожлантириш

ва оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётгани тўғрисида қўлдошларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришаётгани алоҳида таъкидланди. Афинада ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам вакилларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлариغا шубҳа йўқ.

— Спортчиларимизнинг Олимпиадада кўлга киритажак ғалабалари энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми арафасида халқимизга муносиб тўхфа бўлади, — деди стол тенниси бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси Манзура Иноятова. — Зеро, Олимпиададек нуфузли мусобақаларда ишти-

рок этиш мамлакатимиз йиғит-қизлари учун истиклол берган улкан имкониятдир. Афинада ўтажак ўйинларда икки юздан ортиқ мамлакатдан келган 16 мингдан зиёд иштирокчи спортнинг 28 тури бўйича беллашади. Ўзбекистоннинг етмишга яқин вакили 15 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА муҳбири.
СУРАТЛАРДА: кузатиш маросимининг лавҳалар.
Муҳаммад АМИН олган суратлар.

БЎЛАЖАК САЙЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА муҳбири Т.БОТИРБЕКОВ).

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти хузуридаги «Парламент муҳбирлари клуби»нинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олим ва мутахассислар қатнашди. Йиғилишни маз-

кур институт директори А.Раҳмонов бошқарди.

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида илк бор икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловлар ҳалқимиз ҳаётида муҳим илтимосий-сиёсий аҳамият касб этажиги таъкидланди.

Йиғилишда сайлов қончилигидаги янгиликлар, илк бор шаклланаёт-

ган икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқи жиҳатлари, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, сайлов жараёнида ошқоралик ва очикликни таъминлаш, сайлов кампаниясида реклама ва ташвиқотга оид масалаларга эътибор қаратилди.

Сўраган эдингиз...

Сенат қандай шакллантирилади?

— Бизга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Юқори палатаси — Сенатни шакллантириш тартиби тўғрисида тушунча берсангиз?

З. ЗОЙИРОВ, М. ЖЎРАЕВ.
Қасби тумани.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Қонунга биноан, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида «Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом» Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Овоз бериш натижаларига қўра, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзоларига номзодлар, баъшарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисларида ҳозир бўлган депутатларнинг элик фозидадан ортиги уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармақларида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сенатнинг ваколат мuddати — худди Қонунчилик палатасиники каби беш йил.

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси, Жўрғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти ва-

килик органининг сайлов куни йиғирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида «Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом» Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Овоз бериш натижаларига қўра, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзоларига номзодлар, баъшарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисларида ҳозир бўлган депутатларнинг элик фозидадан ортиги уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Қонуннинг 62-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантириш яқунлари тўғрисидаги ахборотини ва Сенат аъзоларининг рўйхатини уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгалаб турган лавозими, иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Сайлов қончилиги хужжатлари асосида Фуқрат САНАЕВ тайёрлади.

ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ ВА ДАВР

Тошкент (ЎзА муҳбири Н.ОЧИЛОВ).
Миллий матбуот марказида журналистлар «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.

Республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда журналистлардан оғоҳлик билан бир қаторда чуқур масъулият ва оқсак одоб-ахлоқни ҳам талаб этмоқда. Заҳиятли соҳа ағалари ҳар қачонгидан ҳам ҳолис, фол ва дадил бўлишлари лозим.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар режаси белгилаб олинди.



(Давоми 2-бетда).

Мустақил халқ — бунёдкор халқ




«Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, аввало, инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилиши даркор. Биз бу ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғинмай боришга интилоқдамиз», — деб таъкидлаган эди Президентимиз. Бу фикрлар, кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар нақадар тўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Ишонмасангиз, бепоян мамлакатимиз — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва шаҳарларимизда 13 йил мобайнида мустақил халқимиз томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларига бир назар ташланг. Биз нималарни кўзда тутиямиз? Утган вақт ичида, масалан, Қорақалпоғистон Республикасида Кўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит қаннинг, «Элтекс», «Юнивер», «Медикал қаттон интернейшнл» қўшма корхоналари, «Учқудуқ — Султон Увайтоғ» — Нукус» янги темир йўли бунёд этилди. Хоразмда Амударё ўзанига узунлиги 681 метрлик улкан кўприк қурилиб, «Алоқа-ДЭУ» Ўзбекистон-Корея, «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия, «Гурантекс» қўшма корхоналари ишга туширилган бўлса, Фарғона vodiysida Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг янги қувватлари, «Узсаламан» пойабал фабрикаси, «Қабул-Фарғона компани», «УзДЭУавто», «Балиқчи текстиль», «Андижон дурдонаси», «Косонсой-текст», «Силк Род» ва «Поп-фен» қўшма корхоналари фойдаланишга топширилди.

Бундай мисолларни Самарқанду Бухоро, Сурхондарё, Навоий ва Қашқадарё, Жиззаху Сирдарё, пойтахт вилояти Тошкент шаҳридан ҳам кўплаб келтириши мумкин.

Айтмоқчимизки, ана шу йирик ишшоотлар ҳозирги кунда нафақат иқтисодийётимиз тараққиётига хизмат қилаётти, балки ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминламоқда, қолаверса, улар ҳар бир ватандошимизга гурур ва ифтихор баҳи этаятир.

Шуларни ҳисобга олиб, таҳририят Ўзбекистон иқтисодининг 13 йиллигига бағишлаб янги руҳ — «Мустақил халқ — бунёдкор халқ» руқни остида республикамиз минтақаларида юз берган оламушумул ўзгаришлар ва уларнинг яратувчилари хусусида туркум мақолалар, фоторепортажлар бериб боришга аҳд қилди. Дастлабки мақола Хоразм вилояти ҳақида.



БАХТУ ИҚБОЛ КЎПРИГИ

Амир Темур бобомизнинг ибораси билан айтганда, бизнинг қандай куч-қудратга эга бўлганимизни, нималарга қодир эканимизни ана шундай улкан қурилишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Қадимги сўғд, тохар, парфия ва бошқа тиллар қатори хоразм тили ҳам Турон заминининг гўзал маънавий дурдонаси ҳисобланган. Ана шу қадимий тилга мансуб «арна» — канал, «ёп» — анҳор сўзлари сирасида ҳам бор. У дарё, канал, анҳор, ариқнинг бошланги қисми деган маънони аниқлатади. Ота-боболаримиз дарёдан воҳа томон канал чикаришда «соқа»нинг қаттиқ ландшафтга эга бўлишига жиддий эътибор берганлар. Хусусан, Шохобод, Гавҳорэ, Фознобод, Кот, Полвон, Пахтаарна, Қилчиёзбой, Амиробод ва бошқа каналлар қурилишида айнан шу масалага эътибор қаратилган. Айниқса, 1940 йили хоразмликлар қисқа

муддатда 34 километрлик «Тошсоқа» каналини барпо этганини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак.

Орадан олти йил ўтди. Янги аср — Ўзбекистон асри бошланди. Яна «Тошсоқа» мавзосида карвон кўнгираклари чалинди. Аммо бу гал соҳилга белқурак кўтарган кишилар эмас, балки мустақил мамлакатимизнинг бунёдкорлари — 7-сонли кўприк-созлик трести, 13-, 14-, 67-, 68-сонли кўприк-созлик жамланмалари фидойилари кудратли техника воситалари билан келишди.

Шу йилнинг 12 мартида мамлакатимиз Президенти иштирокида фойдаланишга топширилган «Тошсоқа» темир йўли ва автомобиль кўприги жуда катта меҳнат



БАХТУ ИҚБОЛ КЎПРИГИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

максули бўлди. Мустақил мамлакат газнасидан бу улкан иншоотга 33,5 миллиард сўм сарфланди. 681 метрлик ушбу кўприкдан ҳозир ҳар куни ўнлаб поездлар, бир неча минг автомобиллар ўнг қирғоқдан чап қирғоққа, чап қирғоқдан ўнг қирғоққа ўтмоқда. Кўнғирот худудий темир йўли узели бошлиғининг Хоразм вилояти бўйича ўринбосари Кенжа Кенжаевнинг қайд қилишича, кўприк фойдаланишга топширилган кундан то шу кунгача ундан чап қирғоққа 6670 вагон юк келтирилган бўлса, мамлакатимизнинг марказий худудларига 2763 вагон юк жўнатилган. 9433 вагоннинг бошқа мамлакат худудидан ўтиши, транзит тўлови учун қанча микдорда хориж валютаси тўланишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Масофанинг


деярли 300 километрга қисқаргани-чи?! Янги кўприк орқали қатнаётган «Шовот-Урганч-Тошкент» поезди аллақачон йўловчиларнинг меҳрини қозонди. У Европанинг энг қулай экспрессларидан қолишмайди, ҳар томонлама қулай «СВ» вагонларига эга. Тошкентга етиб бориш вақти эса 6 соатга қисқарди.

«Уз уйинг — ўлан тўшагинг» деган гап бор. Бироқ ўз йўлинг, ўз кўпригинг ҳам юрт гурурини баландга кўтарар экан. Кези келганда, «Тошсоча» темир йўли ва автомобиль кўприги «Навоий-Учкудук-Султонувайстог-Нукус» темир йўлининг ўзига хос давоми бўлганини таъкидлаш лозим. Бу йўл Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун тараққий дарвозаларини кенгроқ очиб берди. Ҳозир бу йўлдан «Тошкент-Кўнғирот»,

«Кўнғирот-Тошкент», «Душанбе-Астрахань», «Астрахань-Душанбе», «Кўлоб-Астрахань», «Астрахань-Кўлоб», «Андижон-Саратов», «Саратов-Андижон» йўналишлари ва бир қанча маҳаллий йўналишлар бўйича ҳам поездлар ҳаракат қилмоқда.

Йўллар ҳам, кўприклар ҳам мамлакатнинг, халқнинг бахту иқболига хизмат қилаётир. Зеро, бугун замонамизнинг зарбардаст қаламкаши, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ёзган қутлуғ кунларга етиб келдик:

*Кўп замонлар кечди
Ўйнинг тор бўлиб,
Кўприги бут йўлга
арава зор бўлиб,
Энди не тиласанг
бари бор бўлиб,
Дунёга туташди
йўлларинг сенинг...*
Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Шу йил 30 июль куни пойтахтимизда содир этилган мудҳиш кўпуровчилик ҳаракати халқимизга ато этилган истиқлолимизни кўролмайдиган гараз ниятли кимсалар, қандай бўлмасин, эл-юрт тинчлигини бузиш илинжида қанидан далолат. Бундай тажовузкорона хатти-ҳаракатлардан газабланган жамоатчилик вакиллари, кексаю ёшлар жойларда бўлиб ўтаётган йнгилиш ва учрашувларда ушбу воқеага ўз муносабатларини билдираётдилар.

Хушёрлик — ҳаёт тақозосу

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашида ҳам ана шундай йнгилиш бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик марказлари раислари, фаол нуронийлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёвуз этият кимсалар содир этган кўпуровчиликни Ватанга хиёнат, деб баҳоладди. Юртимиз оёру-

эъозлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳам-жихатликка ундайди. Мамлакатимиз Президентни таъкидлаганларидек, ҳар биримиз ўз уйимиз, ўз юртимиз тинчлиги ва озоишталлиги учун ўзимиз курашмоғимиз даркор. Айнакиса, ёшларни турли зарарли оқимлар тасйиридан асраш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки барча жамоат ташкилотлари вакиллари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

(ЎзА).

Олий Мажлиснинг XV сессияси олдида

Айни пайтда республикамизда фаолият кўрсатган фермерлар сони 98 мингдан ошиб кетди. Эндиликда улар ихтиёридаги экин майдонлари 2 миллион 550 минг гектарни ташкил этмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони фермерчилик истиқболини белгилаб берди. Бу каби ҳужжатлар фермер хўжалигини ташкил қилишини янги тартиби, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қонунларга муайян ўзгартишлар киритилиши тақозо этади.



Қишлоқ хўжалиги:

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси икки сессия оралиғида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси устида иш олиб борди. Шунингдек, қўмита икки сессия оралиғидаги назорат-таҳлил фаолиятида «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижросини ўрганди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида хориж билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани инобатга олинб, вилоятда карантин постлари қўйилтирилган. Ички карантин тадбирлари қонун талаблари асосида олиб борилган. Бироқ ўрганиш жараёнида экин зараркундаларининг қўлайишба эҳтимоли мавжудлиги аён бўлди. Масалага тегишли ташкилотлар эътибори

жалб этилди. Сир эмас, кейинги йилларда «тут парвонаси» касаллиги қўпгина вилоятларда тут баргларига қатта қирон келтираётди. Сирдарё вилоятида бу касалликдан ташқари «анор мевахўри», «қовун пашшаси» каби зараркундалар ҳам экинларга зарар етказаяпти. Қўмитада «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбек қоракўли» компанияси томонидан қандай бажарилаётгани масаласи ҳам ўрганилди. Мазлум бўлишича, қоракўлиликни ривожлантириш, қоракўл қўйлар маҳсулдорлигини ошириш, терилар сифатини яхшилаш, тармоқда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида муайян ишлар олиб борилган. Махсулот ишлаб чиқариш ортиб, чорва бош сони қўпайган. Хусусан, ўтган йили компания-

да иқтисодий самарадорлик 21 фоизни ташкил этган. Селекция ва наслилик ишларини илмий асосда юритиш натижасида қоракўл қўйларнинг 25 та завод типни яратилган ва патентланган. Шунга қарамай, қоракўл қўйларидан олинган самара деярли ошмапти. Тармоқдаги қоракўлилик хўжалиқларида ветеринария мутахассислари етишмайди. Ветеринария тадбирлари қоникарили ўтказилмапти. Бундай нуқсонлар етти иқлимга маълум ва машҳур ўзбек қоракўлининг сифатини янада яхшилаш ҳақиқат бермоқда. Шу боис қўмитада мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, унинг ижроси назоратга олинди.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД АЁЛЛАРИ АНЖУМАНИ

САМАРҚАНД (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматнинг шу ҳақдаги қароридан аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва саломатлигини муҳофаза этишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сўйллов конференциясида мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Самарқанд вилояти ҳокими М. Нурмуратов иштирок этди. Вилоят хотин-қизларининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Гавҳар Худойбердиева Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

ҲИНД МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назолат УСМОНОВА).

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Хиндистон элчихонаси билан ҳамкорликда «Аёллар шуқуҳи: Амрита Шергилнинг қайтиши» мавзусида бадий кўргазма очилди. У Хиндистон Республикаси мустақиллигининг 57 йиллигига бағишланган. Кўргазмада таникли хинд мусаввир аёлларининг Амрита Шергил шахси ва ижодида бағишланган асарлари намойиш этилмоқда. А. Шергил (1913-1941) оддий халқ ҳаётини ўз асарларида кенг акс эттирган биринчи хинд мўйқалам соҳибасидир. Мазкур экспозицияда унинг учта асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Амританинг шоғирдлари ва издошлари томонидан тақдим этилган картиналарда эса Шергил ижодий услуби таъсири аққол сезилиб туради. Мусаввирлар унинг ўлими асари — «Уч опа-сингил» композициясини тасвирий санъат воситалари ёрдамида ўзига хос тарзда шарҳлаган. Кўргазма очилишида Хиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Шарат Сабхвал иштирок этди.

Хабарлар - оқимидан

Қўшма қорхонанинг дағул одими

Пахта толаси чиқиндиларидан тиббиёт могоми тайёрлашга ихтисослашган «Ле Уат де Бухоро» Ўзбекистон-Франция қўшма қорхонаси ўз махсулотлари турларини қўлайишмоқда. — Қорхонамизда эндиликда бир марта ишлатиладиган сочлик ва дастурхонлар ишлаб чиқаришни режалаштиряптимиз, — деди қўшма қорхона директори И. Тўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Маркетинг тадқиқотларининг кўрсатишича, бизда шу махсулотларга талаб катта экан.

И. Тўраевнинг таъкидлашича, мазкур қўшма қорхона шу йилнинг февраль ойида ишга туширилди. Қорхона йилга 1500 тонна момиқ ишлаб чиқаради. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 2007 йилга бориб, бу қўрсаткич 2500 тоннага етказилади. Махсулотнинг саксон фоизи МДҲ ва Европа мамлакатларига, йигирма фоизи эса ички бозорга чиқарилмоқда.

Рассомлар синовган ўтмоқда

Андижондаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг кўргазмалар залида тасвирий санъат усталари асарлари намойиш этилмоқда. Мазкур тадбир Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда ўлкашунослик музейи томонидан ташкил этилди.

Низомиддин Холиков, Обиджон Бакиров, Улугбек Болтабоев, Маҳмуджон Қоziев, Аҳмаджон Саидбураҳонов каби рассомлар асарлари кўргазмадан жой олди. Асарларда Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларини, халқимизнинг бунёдкорлиги, юртимиз табиати ўз аксини топган.

Ўз мухбиримиз.

С. ХАЙДАРОВА.

«САВДОГАРБАНК» ТАНЛАГАН ЙЎЛ

1. Аграр соҳа устувор бўлиб қолмоқда

Фермер хўжалиқлари лойиҳаларини молиялаштириш, хомашёни қайта ишлаш «Савдогарбанк»нинг кредит сиёсатида устуворлик касб этмоқда. Сабаби — Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринга эга бўлиб, мамлакат ялпи ички махсулотининг учдан бир қисми унинг улушига тўғри келади, аҳолининг асосий қисми ҳам қишлоқларда яшайди. Қолаверса, аграр соҳанинг ривожланиши истиқболлари ва имкониятлари юксак, демакки, банк бу соҳада мустаҳкам ўрин олишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг «2004-2006 йилларда Фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш банкни бу жараёнда фаол иштирок этишга ундамоқда.

Жорий йил бошидан буён соҳа тайёрловчиларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси кредит лийнаридан 3468 млн. сўм кредит маблағлари имтиёзли асосда ажратилди. Унинг 3113 млн. сўми пахта учун, қолган қисми галла етиштириш учун берилди. Шунингдек, шу йил 1 июльгача фермерларга банк ўз маблағлари ҳисобидан 1088 млн. сўм ажратди.

Аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш янги усуллари ҳам давлат манфаатлари, ҳам бозор омиллари эътиборга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Кредитлаш механизмининг ижобий томони шундаки, галлакорлар олган кредитларини фоизи билан қайтара бошладилар.

Банк кредит маблағлари ўз навбатида мўл ҳосил етиштиришга ёрдам бермоқда. Фермер хўжалиқлари кредит ресурслари

Банк филиалларида ўсиб бораётган молиявий оқимлар ҳам муваффақиятли ҳисоб-китоб қилинапти. Уларга қишлоқ кўрсатиш сифати ошмоқда, меъёрий база, ахборот ва бошқарув тизими тақомиллаштирилмоқда, техник воситалар янгиланапти. Натияжада хўжалик субъектларининг ҳисоб рақамларида пул маблағларининг айланishi янада самарали ва ишончли бўлиб қолмоқда.

Банкда, айниқса, фермерлар

билан муносабат асосда учрашувлар ўтказиб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Бу мулоқотларда тадбиркорлар кундалик фаолиятида учраб турадиган қўллаб-қувватлаш муаммолар зудлик билан ҳал этиляпти, уларга маслаҳатлар бериб бориляпти, янги хизмат турлари, хусусан, лизинг, депозит жамғармалари тақлиф этилмоқда.

Утган олти ой мобайнида банк миқозлари қарийб 400 тага ошган, банк молиявий кўрсаткичларининг ўсиш жараёни ана шу тадбирларнинг самарасидир.

2. Кредитлар ўсиши таъминлашти

Банкнинг стратегик ривожланиш дастурида кичик бизнесни молиялаштиришда, биринчи навбатда, унинг салоҳиятини ошириш кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида банк жами 3855 млн. сўм маблағни кредит тариқасида яқна тадбиркорлар ва кичик хўжалик субъектларига ажратди. Қиймати 3045 млн. сўмлик лойиҳалар банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан молиялаштирилди. Пировадига 1800 та янги иш ўрни ташкил этилди. Улар томонидан 450 млн. сўмлик турли махсулотлар ишлаб чиқарилди.

Хозирда банкнинг кредит портфели сифати юқори даражада бўлиб, соҳалар бўйича етарлича диверсификация қилинган. Заёмчилар таркиби иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Бу кредит ресурсларининг тақсимланишида ҳам акс этган. Масалан, банк кредит маблағларининг 50 фоизи қишлоқ хўжалиги, 25 фоизи саноат, 10 фоизи қурилиш ва сервис, қолган қисми бошқа соҳаларга ажратилапти.

Кредит портфелининг бир зайдда ўсиши ва барқарор эълмичилар доираси, шунингдек, банкда кредит таваккалчиликларини бошқариш тизимининг мав-

жудлиги кредит сифатининг истиқболда ҳам ижобий даражада сақланиб қолишига шароит ҳозирляпти. Лойиҳаларни танлаш ва муносабат таҳлил этиб бориш, шунингдек, кредит таваккалчиликларини қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса кредит портфели сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Банк юқори даромад келтирувчи, аммо таваккалчилик даражаси баланд бўлган лойиҳаларни кредитлашга ружу қўймадган, кредит қўйилмалари бўйича вазмин сиёсат олиб бормоқда.

Банк режасида кичик бизнес соҳасидаги қорхоналарни ўзига жалб этиш орқали бозорда эгаллаб турган ўрини мустаҳкамлаш мақсади ҳам кўзда тутилган. Хозирги пайтда банк кичик хўжалик субъектларига ўзидagi мавжуд энг самарали технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлақонли ҳисоб-қисса хизматлари кўрсатмоқда; капитал ривожланиши ва айланма маблағлар етишмай қолганда сўуда ва инвестиция маблағлари билан ёрдам бермоқда; вақтинча бўш турган пул маблағларини турли депозит ҳисоб рақамлари очиб йўли билан молиявий захиралар яратиш бормоқда; қимматли қоғозларни траст (ишонч) асосида бошқармоқда; бозордаги ўрини мустаҳкамлаш ёки янги бозорларга чиқиш учун стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқишда кўмаклашмоқда; янги ҳамкорлар топишга, махсулотини реклама қилишга ёрдам бермоқда; капитал ривожланиши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва салоҳиятли инвесторларни топишда ҳамкорлик қилмоқда, молиявий ҳисоботларини тайёрлаш бўйича, лизинг ва бошқа қўллаб-қувватлаш кўмаклашмоқда.

Бундай кенг қўламли ишларни амалга оширишда банкда имтиёзли кредитлаш жамғармасининг ташкил этилиши қўл келмоқда. Жорий йил бошидан

буён жамғарма маблағлари 83 млн. сўмга ўсиб, жами 627 млн. сўмга етди.

3. Хизмат кўрсатиш сифати — муваффақият омил

Барча вилоятларда филиаллари бўлган банк узоқ мuddатли маблағларни ички бозордан топиб, миқозларининг инвестиция маблағларига бўлган талабини қондириб келмоқда. Ўз бизнесидан келаётган даромад банкка нафақат сўдалар бўйича захиралар яратиш, балки акциядорларга дивидендлар тўлаш ва капиталнинг муттасил ошиб бораётган шароит яратмоқда. Масалан, ўтган олти ойда банк ўз акцияларининг 9-сентябрасини тулик жойлаштиришга эришди. Устав капиталини 3 млрд. сўмга етказиш учун банк акциядорлари яна 500 млн. сўмлик акциялар пакетини сотувга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу йилнинг 1 июлига келиб, банк активлари 4 фоиз ўсиб, 42 млрд. сўмга етди. Банк капитал эса 7 фоиз ўсиб, 4613 млн. сўмини ташкил этди. Аммо банк ўзининг энг катта капиталини миқозларда кўрмоқда. Шу боис банк ҳар бир миқоз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишининг ишчан муҳитини яратишга интиляпти. Инфратузилманинг ривожланиши, барқарор молиявий кўрсаткичлар, бошқаруving самарали технологияларини амалиётга татибик этиш, миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш банкка нисбатан ишончли мустаҳкамламоқда. Ишончлик эса банк ривожининг қафоллатидир. Бу ишончнинг қай даражада ортганини миқозлар сони ошишида эмас, бунда аҳоли маблағларининг ўсиб бориш суръатида ҳам, хўжалик субъектларининг ҳисоб рақамларида пул маблағлари айланмасининг узулқисиллиги ва тезлигида ҳам кўриш мумкин.



МЕХР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Одам боласи гулу гиёҳларга ранг берган, буй берган кўшини қандай соғинса, меҳрни ҳам ана шундай соғиниб яшайди. Тоғлардан бошланувчи ўнлаб ирмоқлар дарёларни тўлдириб, қирғоқларга тошиб кетиши мумкин. Бироқ юраклардан бошланувчи меҳр дарёси сокин бўлади.

Унинг сувлари қирғоқларга тошмайди. Тошса юзга тошади, кўзга тошади. У кўнгли дея аталувчи денгизга бориб қўйилади. Шу денгизга кўрк бағишлайди. Меҳр дарёси бор экан, кўнгли уммони асло қурмайди. Телефон кўнгириги, хат ташувчи қўлинига тутқазган бир нарча мактуб, яноқлардан олинган ўпич, қим орқалидир айтиб юборилган салом, бир тутам бинафша, бир қути фаранги атри, бир кийимлик атлас, деразага қўйиб кетишган бир даста дашт чечаклари... Эҳтимол, мана шулар меҳр аталган, мурувват аталган ёзув тўғрисидаги тилсиз элчиларидир...
Тўшада ётган бемор бир кучоқ нурга қанчалик зориқса, сизнинг тилингиздан учувчи иссиқ каломга ана шундай мунтазирдир. Янги йил оқишлари «тиқ» этган эшикка кўзини тиккан оналарни эсланг. Иена учидоги ип ҳам, бир жуфт иссиқ нон ҳам, бир коса маставаю девор устидан сўрашни ҳам аслида меҳр муждалари эмасми? Меҳр деганлари оламда сочилиб ётибди. Меҳр деганларининг хадди-ҳисобига етиб бўлмайди. Меҳр деганлари аслида адиқларда очилган миллион-миллион номли ва номсиз гуллардир. Фақат уни бир-биримизга узатишни, бир-биримизга тутқазганини уйдalasак бўлган. Лаълар титраб кетади. Чехраларга табассум илашади. Яноқларга икки томчи ёш қолади. Билинг, бу энг тансиқ ва энг беназир мухофотдир биз учун.

Меҳнат бозори:

Илконият Ва самара

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вилоят бош бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда жорий йилга келиб, ишсизлар сони аввалги йиллардагига қараганда бирмунча камайган. Шу ўринда «Бунга қандай эришилди?» — деган савол туғилади.

Таъкидлаш кераки, йилнинг ўтган олти ойи давомида вилоят бўйича 12 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда 200 дан зиёд турли тақчилот, муассаса, корхона 1300 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Пировадиди 519 киши доимий иш ўрнига, қолганлари эса қайта касбга йўналтирилди.

Албатта, бугунги кунда меҳнат бозорига талаб кучли бўлган касб ва лавозимлар ҳам бор. Ана шундан айрим нозик ҳижатлар келиб чиқади. Қайд этиш лозимки, республикамизда бу борада етарли шарт-шароитлар яратилган бўлиб, қўшимча мутахассисликка ҳам эга бўлиш мумкин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимла-

рининг таъкидлашича, хозирда мактаб ўқитувчиларига талаб катта. Афсуски, бу соҳада кадрлар етишмаслига кўзга ташланмоқда. Айни пайтда вилоятда қишлоқ ҳўжалиги фаолияти етакчи ўринда туради. Шу боис бу тизим мутахассисларига бўлган талаб ҳам доимо кучли.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Сирдарёда меҳнатга яроқли 350 мингдан ортиқ киши бўлиб, шундан қариб 15 минг нафари ишга жойлаштиришга муҳтож. Ушбу муаммони бартараф этиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу сабаб-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ўтган йили вилоят бўйича ишсизлик даражаси 0,1 фоизга пасайди. Ҳозирга келиб эса олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаш масаласи турибди. Ўрта ва махсус касб таълими бошқармасида бу йил «Меҳрибонлик уйлари» битирувчи-тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги масала кўтарилди. Чунки лицей ва коллежлари тугатгач, улар деярли кўчада

қолишмоқда. Шу боис мазкур масала Меҳр ва мурувват йилида ҳал этилса, айни муддао бўларди. Айнан шу йил белгиланган дастур доирасида кўрлар жамияти аъзолари учун йигирмата янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган.

Шунингдек, ишга жойлаштиришда кўрсатилаётган ёрдам туфайли жорий йилда 4 минг нафардан ортиқ кўп болали ва ёлғиз оналар, ногиронлар ва маҳбустликдан озод қилинганлар ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга вилоят бўйича бандлик жамғармаси томонидан 168 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 350 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда Сирдарё вилоятининг 3 та туманида вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш бўйича марказ фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур марказ томонидан жами 9 минг киши ишга жойлаштирилди. Бу ўз ўрнида уларнинг турмуш шароитини бирмунча яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Р. ЁРЛАҚАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Худойкул Раҳмонбердиевни яқиндан таниганлар уни қулмайдиغان одам, деб таърифлашди. Баъзилар эса уни йигирма тўрт соат тинимсиз ишлайдиган киши, деб гапирди. Сайру саёхату тўй-томашларга кам борадиган ана шу одамдан кишиларнинг гапи тўғрими, дея сўраганимизда кизик бўлди. Яъни сира қулмайдиغان одам... кўлди.

Бугунги кунда тадбиркор одам, ишнинг кўзини билган одам кўп пул топади. Пул топиш учун заковат керак, ҳаловатсиз кунлару тунлар керак. Бизда негадир пулдор одамларни унчалик ёқтиришмайди. Уларга шубҳа билан қарашади. Кишилар бели бақувват одамни кўрганда унинг хурматини жойига қўйганлари билан ортидан турли миш-мишларни тарқатиб юришади. Мана шу қилигимиз ёмон. Ана шу фелъимиз чаток. Тилимизга куч бериш ўрнига улардан иш ўрганасак маъқул бўларди.


Худойкул Раҳмонбердиев қирқ йилдан буён дорихонада ишлади. Қирқ йилдан буён одамлар хизмати учун белига боғланган белбоғини ечмайди. Ун-ун беш йил муқаддам Гулистонда дорихона деганлари бармоқ билан санарли эди. «Худойкул аптекачи» деган номни Сирдарёда билмайдиган одам йўқ эди. Уни элга инсоф деган бир тўйгу танитди. Мана, қирқ йилдирки, ана шу тўйгу инди юрғидан қўчиб кетишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Худойкул бобо бозорга тушса, «Бобуржонга ҳў ярашадан-да...» дея кийим сотиб олади. Тансиқ ширин? Қурса, «Бобуржоннинг

оғзи тегсин...» дея чўнтагини қовлайди. Бобуржон Гулистондаги «Меҳрибонлик уйи»да ўқийдиган Худойкул ҳожининг тутинган ўғли бўлади. Ўзи яшайдиган маҳалладаги кам таъминотли, боқувчисини йўқотган тўртта оилани ҳам ўз қарамоғига олган. Шаҳарда неки тадбир бор, бобомиз ҳомийлик қилувчилар рўйхатининг энг бошида турадилар.

Худойкул бобомиз шаҳар яқинида тўрт минг кишига хизмат қиладиган гузар қураётган экан, дея айтиб унинг-қўлтиғига қўл солдик. Афсуски, қўлимиз қуруқ чиқди. Ҳожи бобомиз хафа бўлдилар. Ҳожи бобомиз қовоқ уйдилар. Қовоқ уя-уя шундай дедилар:

— Мана бу қад ростлаётган бинонинг ярми маданий-маиший нуқталар бўлади. Газетада шунақа ёзди шекилли, — деди гузар қурилишининг иш бошқарувчиси Райимжон Каримов. — Одамлар энди суратга тушиш учун, меҳмон келганда иссиқ нон, гўшт харид қилиш ёки айтайлик, оёқ кийимини тиктириш учун шаҳарларга қатнаб овера бўлишмайди. Ўғил-қизларимиз ҳам никоҳдан шу ерда ўтишади. Бинонинг иккинчи қавати отахонлар чойхонаси ва маҳалла посбонлари учун хоналардан иборат бўлади. Учта қишлоқ одамлари учун нимаки зарур бўлса, улар ана шу нараса-



Саховат Сандиғини очганлар

ларнинг ҳаммасини мана шу гузардан топишади...

Х. Раҳмонбердиевнинг иккита дорихонаси бор. Одамлар бобомиз даромдини нимага сарфлашини узок йиллар куттишди. Дангиллама уйлар курса керак, дея ўйладилар. Довруғи оламга кетадиган тўйлар қилса керак, дея кўп кутдилар. Хоржининг машинасида сайр қилади, чет элларга томошаларга боради, дея шивир-шивир қилди.

Бобомиз тахминларни йўққа чиқарди. На уй қур-

ди, на чет элга томошага борди. Меҳр ва мурувват йилида у одамларга гузар совға қилди.

Бу гузар йўлининг четига жойлашган. Бир йил муқаддам йўловчилар бу томонга қиб хам боқиб қўйишмасди. Негаки, улар шўрау тиконларни кўп кўрганлар. Негаки, бу майдон йўловчиларнинг гашини келтириб, уларнинг таъбини хира қиладиган ташландик бир майдон эди-да...

Меҳр кўрсатиш учун, саховат улашиш учун одамнинг юрагида боқира орзу-

лар яшамоғи керак. Юрак тоза бўлмаса, бегард уйлар қайдан хам пайдо бўлади? Қолаверса, яшаш деганларининг ўзи умр дарахтининг томирига югуриб-югуриб, ховучу дўппиларда сув таший дегани эмасми? Яшаш деганлари одамлар учун шигил-шигил мевалар тугадиган ҳаёт дарахтини парварিশлаш эмасми? Биз хожи бобомиздан уч-тўрт кун қочиб юрганимиз билан юқоридоғи гапимиз фикримиздан асло бўйин тобла-маймиз.

Қалбдаги қуёш

Янгиер шаҳридаги «Саховат уйи» 1994 йилда фойдаланишга топширилган. 60 ўринга эга бўлган «Саховат уйи»да хозирги вақтда 54 нафар қария ва ногирон яшайди. Улар бу ерда даволанадилар, ҳордик чиқарадилар. Кексалар орасида шеър ёзадиган, расм чизадиганлари ҳам бор.

Ҳаммага етарлича шароит яратилган. 2004 йилда давлат дастурига биноан, барча қулайликларга эга бўлган бу бино қайта таъмирланди ва кексалар ихтиёрига берилди. Бу ерда барчага давлат ҳисобидан хизмат кўрсатилади. Айни вақтда «Саховат уйи»га шаҳар ҳокимлиги, «Пахтабанк, Халқ банки ҳамда Миллий банк ҳомийлик қилмоқда. Ҳомийлар ҳў байрамда қариялар билан мулоқот ўтказадилар, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитадилар. Шаҳар маданият уйи ходимлари иштирокида уларга концерт қўйиб берилади. Отахон ва онахонлар байрам дастурхонига тақлиф этилиб, тансиқ таомлар, ноз-неъматлар

билан сийланади.

Ғамхўрлик кўпчилигининг диққат марказида. Вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси отахон-онахонларимизга компьютер, 400 минг сўмлик кийим-кечак туҳфа қилган бўлса, республика «Нуроний» жамғармаси 2 миллион сўмлик дори-дармон, вилоят ҳокимлиги «Дамас» автомашинаси ажратди.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан Янгиер шаҳар ҳокимлиги ҳомийлар иштирокида бинони жорий таъмирлаш ишларини ўз зиммасига олди. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ишга бошқалар ҳам томошабин бўлиб қараб туришгани йўқ. Шаҳар сув идораси доимий равишда сув билан таъминлашга, коммунал хизмат идораси таъмирлаш ишларини бажаришга, иссиқлик манбаи идораси профилактик қўриқдан ўтказишга беминнат ёрдам бериб келяпти.

О. ҲАМИДОВ.

Дил тафти

Боевутлик Қудрат ака асосан курашчи полвон сифатида элга танилган. У бир қўл, ярим қўл улук ҳам чапади. Бироқ унинг тўриқ отини асосан укаси Жума полвон улукқа солади. Ўша пайтлари бу тўриқ деганимиз айни кучга тўлган бўлиб, юз отнинг ичидан ҳам улукни озод қилиб чиқарди. Тўриқни Тожикистонда ҳам, Қозғистонда Қирғизистонда ҳам яхши билишарди. Бўйни дугорни эриладиган тўриқ Жума чавандоз маррага интиганда кулоқлари қамиш бўлиб, отнинг бошига чиппа ёпишиб қоларди.

Тўриққа уйда янгамиз қарарди. Қашлар, ев берав, сув тутар, тагини тозалар, хуллас, отнинг чор-атрофида гирдиқалалак бўларди. От янгамизнинг орқасидан эргашиб юрарди. Бу ҳолга чавандозлару қўни-қўшинлар хайрон бўлишарди. Қишлоқда от деганлари сероблашиб қолганди. Аммо бирор киши янгамизга ўшаб отта кишимиш бермасди. Янгамиз Гулистонга тушганда бозордан атайлаб тўриқ учун кишимиш харид қиларди. Отта новот чой бериши ҳам бу атрофда ана шу янгамиз урф қилганди. Отни соғутишга Қудрат акамизнинг юмушига кирарди, холос. Ўн йил тўриқнинг парваршиги билан янгамиз шўғулланди.

Бир неча йил муқаддам янгамизни яратган эгам бандам, деди. Буни қарангки, тўшақча михланиб қолган бир ойни ҳисобга олганда янгамиз хасталигида ҳам отнинг олдига интилиб борди. От хайрон эди. Янгамиздаги дардни сезиб безовта эди. Буни қарангки, от анча

пайтгача яқинига бировни йўлатмади. Янгамизнинг ўғиллари хашакни узокдан тўриб паншаҳада ташлашарди.

Қишлоқдагиларнинг гапига ишонсак, янгамиз тўриқ билан гаплашар экан. От гапирмаса ҳам янгамиз гапирар экан. Янгамиз ўзининг гапини от тушунганини яхши билар экан.

Таъзия куни ҳовлию кўчани одам тутиб кетди. Йигилганлар хотин-халажнинг йиғисидан эмас, тўриқнинг жон аччиғида кишнашдан безорихон бўлишди. Силтана-силтана тўриқ ипини узди. Ховли тўс-тўполон бўлиб кетди. От янгамиз ётган уйга талпинар, биқинию бўйинга тушаётган қалтакларга ларво қилмасди. Отни кўчага чиқариб қўйиб юбордилар. От майит кўтарган оломонга эргашди...

От уч кун тутқин бермай қочиб юрди. Уч кун ўзини кўрага жой тополмай қолди. Фақат учинчи куннинг тунда...

У энди на арпага, на пичанга қарарди. От чимхўр бўлиб қолди. Отни уй билан гам бир бўлиб босди. Тўриқнинг териси сунгага ёпишди. Не-не мол дўхтирлар унинг дардига даво топмадилар. Уни сола-соғ, дедилар. Тўриқ эса адоий тамом бўлганди.

Қудрат ака танишлари зўрласа ҳам отни сўймади. От деворга суяниб жон берди. Баъзан кимнингдир тошбағирлигини кўрсам, ёдимга ўша тўриқ от тушади. Халтага арпаю кишимиш тўлдирди, отнинг бошига илаётган янгамини эслади. Тилим «ах» дейди. Юрагим эса зимиллаб кетади. Бу зимиллашга ўзим кўрган, ўзим гувоҳ бўлган ҳаёт хақиқати туртки бўлса керак, деб ўйлайман. Яна ким билсин...



Далил ва рақамлар

Вилоятда икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналарга 2004 йилнинг олти ойи давомида 880 миляон сўм, ҳам таъминланган оналарнинг ўн сақна ёшгача бўлган болалари учун эса 1147,7 миллион сўм пул ажратилди.

«Мурувват уйи» ва «Саховат уйи»ларининг моддий-техника базисини янада яхшилаш мақсадида улар ҳисобига 16 миллион сўм пул ўтказиб берилди.

Аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш ниятида вилоят шаҳарларида 1991 йилгача қурилиб фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйлари таъмирлашга бюджет ҳисобидан 180 миллион, ҳомийлар маблағи ҳисобидан эса 42 миллион сўм пул сарфланди.

Вилоятда истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари, ногиронлар, меҳнат фронти иштирокчилари, орден ва медаллар билан тақдирланганлар, байналмиал жангчиларининг 324 нафарига транспортда юриш учун эллик фонзлик чегирна белгиланди.

818 нафар ёлғиз фуқаро, 25524 нафар қария, 15824 нафар ногирон ҳамда 3682 нафар ногирон болалар соғлиқни сақлаш муассасаларида тўлиқ диспансер қўриқдан ўтказилди.

64 нафар қариянинг уйлари тўлиқ таъмирлаб берилди. 204 нафар ўзгалар парваршишга муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг уйларида бориб хизмат кўрсатиш таъиниқ этилди.

2004 йилги умумхалқ ҳашаридан тушган 104 миллион сўм маблағ «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказиб берилди. «Меҳрибонлик уйи»ни тарқ этган ёшлар учун Гулистон шаҳрида 5 та, Янгиер шаҳрида эса 2 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1 июль — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Оқатин, Бобот туманлари ва Гулистон шаҳрида 84 нафар кам таъминланган она фарзандларининг тўғилари, 13 нафар ёшларнинг эса никоҳ кечалари ҳомийлар томонидан ўтказиб берилди.



Гулистон шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Ўзфармса-ноат — Легово» қўшма корхонаси иш фаолиятинан.

Эътибордан эл кўқарар

Бугунги кунда Сирдарё вилотидаги маҳаллаларга разм солсангиз, ҳар қайсидада ўзгаришлар юз бераётганига амин бўламиз. Кўчалар, хибонлар, гузарлар озода, саранжом-сарништа. Вилоят бўйича жами 286 та маҳалла мавжуд. Айниқса, Гулистон шаҳрига кириб браверганингиз сайин янги қурилиш объекти, замонавий дўконлар ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қўриб, қўзингиз қувнади. Бундай бунёдкорлик юмушлари хозир бутун вилоят микёсида олиб боришмоқда. Улар асосан «Маҳалла» жамғармасининг маблағи ҳисобига рўйбига чиқарилаётди. Янама қувончли, бу ерда кўшини ҳимоя қилишга ёрдам бериши, ҳамнинг бир ёқадан бош чиқариб хашар уюштиришдек қадимий уду-

ми амал қилмоқда. Маҳаллалар аҳли барча аҳолига, биринчи галда кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатаёпти. Мил-сол учун, жорий йилнинг ярим йиллиги мобайнида вилоят «Маҳалла» жамғармаси томонидан ана шу тоифадаги кишиларга бир миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. — Статистика маълумотларига кўра, — дейди мазкур жамғарма раниси Р. Абдурахмонов, — вилоятимиз ҳудудинда бир аср умргузаронлик қиладиган 101 нафар киши, 90-100 ёшлардаги 450 нафар киши яшамоқда. Биз уларнинг ҳаётини яхшироқ қилишга ҳаётда эътибор қаратишимиз керак. Маҳалла кўмиталари ходимларидан иборат гуруҳлар тузганмиз. Бу гуруҳларнинг аъзолари йил давоми-

да фаолият юритиб, қарияларнинг хурматини жойига қўймоқдалар... Яхшилик қилиш — бу маҳаллаларни обод этиш, уларда яшовчи аҳоли турмушини фаровонлаштириш дегани. Вилоят «Маҳалла» жамғармаси раисининг фикрича, Меҳр-мурувват йилининг асосий мақсади фақат шулардангина иборат эмас. Аввало, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг соғлом-бақувват бўлиб ўсишлари учун етарли шароит яратиш бериш лозим. Айни шу ниятда спортни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, ўтган олти ой ичида қўлаб маҳаллаларда спорт майдончалари барпо этилди. Сайхунбод туманида стадион қурилиб, фойдаланишга топширилди. Гулистон туманидаги «Намуна» маҳалласида

эса стадион қурилишига 61 миллион сўм сарфланди. Айни кунларда бу спорт мажмуаларида юзлаб сирдарёлик болалар ўз вақтларини кўнглили ўтказмоқдалар. Маҳалла кўмиталари раислари, оқсоқоллар билан урчушувимиз ҳам янги футбол майдонига бўлиб ўтди. «Футболимиз келажига» деб аталувчи турнир иштирокчиларининг кўзларида қувонч уқунларини кўрдик. Бу қувонч эса уларга мамлакатимизнинг келажига — ёш авлодининг соғлом ва бақувват бўлишини чин кўнгилдан истаган маҳалла оқсоқоллари ва посбонлари, тренерлар ва ота-оналар тортқ қилмоқдалар.

Ш. ТЎРАБЕКОВА.

Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбири А. ХОНИМКҲУЛОВ сафар қилди.



Экспедиция

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Оролқум

Гуруҳимиз аъзолари Оролқум сароси томон йўл олди. Шоферимиз Азиз оганинг қум барханлари ичида юришга унчалик уқувлари бўлмагани боис, янги шофер Янгибой бизга бошловчилик қилди. Чоратроф чексиз-худудсиз қумликлар. Ана шу қумликлар кичик шағал-тошларни кўрпа қилиб ёпишиб олганга ўхшайди. Узок-узоклардан «сахро маликаси» — саксовулзорларга кўзингиз тушади.

— Бу ерларга тошлар қаердан келиб қолган? — сўрайман хайратимни яширолмай.

Анчагина гапга чечан бўлган Янгибой бу гап нимагадир саволимга жавоб бермайди. Жавоб ўрнига охишта машинанинг тормозини босади.

— Бу тошларни ўз кўзингиз билан кўринглар, — дейди. Унинг овози қандайдир дардли чиқади. Биз Америка кашф қилган кишилардай бирин-кетин машинадан тушдик. Қумнинг «кўрпа»си кичик-кичик чиганоклар эди. Мен Янгибойнинг маъноси билан қолганлиги сабабини тушунгандай бўлдим.

— Бир вақтлар бу ерда Орол суви мавжланган. Энди ана шу ўлик чиганокларгина қолди...

Янгибой кўлидаги бир кафт тупроқни ерга сочиб юборди. Тупроқ енгил эмасми, учиб кетди.

Йўл давомида бир текис ўсиб ётган саксовулзорлар эътиборимизни тортиди.

— Саксовуллар алоҳида ўстирилиб, қумга экилади. Сабабини биласизларми?

— Гарчанд биз «Шўрға» чидамли дарахтларни Орол-

Оролим менинг, оролим менинг

нинг қуриган майдонларига экиш» лойиҳаси билан танишиб, бунинг сабаби қум барханларининг йўлини тўсиш, қумнинг кўчиши ва бу билан ерларнинг шўрланиб кетишининг олдини олиш мумкинлигини билган бўлсак-да, уни тинглашни маъқул кўрдик.

— Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси Нукус филиали, «Қораўзак» ва «Чимбой» ўрмон хўжалиқлари ҳамкорлигида саксовулзорлар ўстирилиб, кўчат қилинапти. Анави саксовулзор беш ёшда. Атрофдаги майдан нихоллар уруғидан кўркарган.

Сўхбат давомида билдикки, табиий шароитда ва қўл кучи билан хозирга қадар 180 минг гектар майдонда ўрмон ва саксовулзорлар барпо этилган. Қум ва тузларни шамол таъсирида кўчишининг олдини олишда қўл келувчи ушбу чўл ўсимликлари парваришланади ва кўпайтиришни 12 та хўжалик ўз зиммасига олган экан. Минтақада экологик таназзулнинг олдини олишга қаратилган кичик лойиҳалар учун эса ҳар йили 800-900 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилаётир.

Биз «Чимбой» ўрмон хўжалиги йигитлари саксовул экиш учун жой хозирлаётган майдонга бордик. Қамишдан ясалган чайла кўвш тигидан бизни ўз химосига олди.

— Хар қуни тушдан сўнг бу ерларда тўфон бошла-

нади, — дея шароитни тушунтириш хўжалик раҳбари Жўлдош ога Романов. — Йигитларимиз кўмаётган қамишлар ўрнида кичик-кичик барханлар пайдо бўлади. Ерга ноғох тушиб қолган бир донга қамиш ҳам Орол минтақасини асрашга хизмат қилади.

Дарвоқе, қумликлар ичида Йигирмага яқин йигит бир қатор бўйлаб қамиш кўмишарди. Ана шу кўмишган қамиш ва у ерда ҳосил бўлган қумтепалар саксовулларнинг авж олиб ривожланиши учун шароит яратар экан.

— Саксовул экиш мавсу-

тилрилган маъданли сув чиқибди. Шу билан бу ерда ишловчилар учун сув муаммоси хал этилибди.

— Мана, кўриб турганингиздек, сахро кўйида ишчилар учун гишдан уй қурапмиз. Демак, бу муаммо ҳам ўз ечимини топади. Ўрмон хўжалиги раҳбарининг гапи бизни анча хотиржам қилди.

Юрт юкини кўтараётганлар

Икки йиллик қуруқчилик минтақа аҳолисини, айникса, мўйноқликлар ва

чилар учун маскан ҳам қурмоқчи бўлишган. Денгиз чекиниб, фақат сувнигина эмас, ўнлаб, юзлаб иш ўринларини ҳам олиб кетди. Минтақада ишсизлик бошланди. Мўйноқ ҳудудида пайдо бўлган кемалар «қабристон»гина бу ерда қачонларидир денгиз мавжлари оққанини эслатиб туради.

Орол ҳақида турли ишмишлар, узунқулоқ гаплар сабаб, бу ерда янги иш ўринларини очиш муаммосига айланган қолди. Чет эл инвесторлари у ёқда турсин, ўзимизнинг сармоядорларимиз ҳам бу минта-

— Узок йиллар ҳамширалик қилдим, — дейди чимбойлик Тўтигул Ҳўрзоева. — Нафақага чиққач, чорвачилик билан шуғулланишга аҳд қилдим. Оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, жамғармадан кредит олдим. Ҳозир тўрт бош соғин ситигирим бор. Атрофимизда қамишзорлар мўл, демакки, чорва озуқаси ҳам етарли. Олган қарзимдан эса аллақачон қутулганман. Оиламиз иқтисодий томондан қимматдор ортиқ ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Ҳукуматимиз томонидан берилган кредит оиламизнинг иқтисодий фаровонлигида кўл келди.

Чимбойнинг Қозоқовулида Марат Қозонбоевни танимайдиغانлар топиламан керак. Туманинг довуқли ишбилармонларидан. Ассон чорвачилик билан шуғулланади.

— Биласизми, опа, ишлашни истаган ҳамма жойда яхши яшаш учун имкон топа билади, — дейди Марат. — Дангаси одам арзод қилишдан нарма ўтолмайди. Мен нафақат ўз оиламни, яна бешта оиламни яхши яшаш учун имкон яратяпман.

Қандай қилиб дерсиз? Ўтган йилга қадар унинг қўлида бир-иккита қўйи, соғин ситири, йилқиси бор эди. У фаолиятини янаям кенгайтирмоқчи бўлиб, Халқаро Оролни кутқариш жамғармасидан кредит сўради. Унинг бизнес режаси кўриб чиқилгач, икки ярим миллион сўм кредит ажратилди. Берилган кредитга чорва тўвқлари сонини кўпайтирди. Бугун унинг оғилида 12 бош йилқиси, 2 бош туяси, 10 бош ҳисори қўйи бор. Беш нафар ҳамқишлоғи иш билан таъминланган. Хоҳлисида анвойи гуллардан тортиб, сазбавоту мевагача бор. Буларнинг барчасига Маратбойнинг ўзи илҳос билан қарайди.

Нукус туманида яшовчи фермер Қорабой Мирзабоевнинг ҳовлисини нақд жаннат, дейсиз. Олма, узум, шафтоли, томорқада помидору бодиринг — барчаси гурурак турибди.

Ишлаган кам бўлмайди. Имон кидириб ишлаётганлар эса нафақат ўз оилалари, балки юрт ободлиги учун ҳам меҳнат қилишапти.

Фидойилар бор экан, юртнинг юки ерда қолмайди.

Маъжуда ХОЛИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

«O zgeoburg`uneftgazqazibchigarish» акциядорлик компаниясининг «ishlab-chigarish texnik ta minlash va butlash boshqarmasi» унитар корхонаси

2004 йилнинг 1 июлидан унинг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси бўлган «Texnik ta minlash va butlash boshqarmasi» унитар корхонасига айлантирилди.

Даволаш эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичда қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Амр Темур к., 66-уй, 520-хона.

Унитар корхона маъмурияти.

Нужен Веб сайт ?

Мы предлагаем вам:

- дизайн и разработку веб сайта / Интернет-проекта;
- бесплатный Интернет-адрес (домен) www.имя-вашей-организации.com;
- бесплатное размещение (хостинг) в Интернет;
- бесплатная консультация и индивидуальный подход к каждому клиенту.

За подробной информацией обращайтесь: WEB STUDIO UZBEGIM

Телефон 176-38-89. Веб сайт: www.uzbegim.net E-mail: info@uzbegim.com

«GARANT MEBEL» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.

50 800 сўм, 59 000 сўм, 45 000 сўм, 56 000 сўм

Тўлов шакли турлича.

Махсус сертификатланган

Улғурчи харидорларга чекирмалар берилади.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17. Факс: 152-21-82.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25, 132-10-63, 242-хона

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Автомобилларни газ (метан) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Тўшакбон пахта сотиб оламиз.

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62. E-mail: llratenks@mail.ru

Театрда янги асар

Самарқанд вилоят кўғирчоқ театрида драматург Кавсар Турдиеванинг «Тошкесаклар мамлакатиди» номли асари сахналаштирилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида махсус лойиҳа асосида яратилган ушбу асарда меҳр-оқибат баш маззу қилиб олинган. Асосий ролларни театрининг етакчи актёрлари Ш. Усмонова, М. Истадова, Б. Умрзоқов, О. Назаров, Н. Санакуловлар ижро этишган.

Ўз мухбиримиз.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ

«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105», «ГАЗ-3102», «ВАЗ-2106», «ГАЗЕЛЬ»

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари евазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62; Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.
Цены действительны по 10.08.2004 г.	
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:	
ДУ 15х2,8 мм	799000
ДУ 65х4,0 мм	790000
ДУ 80х3,5 мм	790000
ДУ 100х4,0-5,0 мм	790000
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:	
76х3,5 мм	790000
89х4,0-5,0 мм	790000
108х3,5-5,0 мм	790000

Трубы водогазопроводные ГОСТ 3262-75, ДУ 15,20,25,32,40,50 мм поступят на склад в г.Ташкент после 20.08.2004 г.

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommash@tk.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Низбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналоиҳа».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИХАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАХАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибутери ва етказиб берувчиси.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жихозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисиларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA Bau- und Handelsinvestition GmbH Traunreut - Deutschland

ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Вирусология илмий-тектириш институти жамоаси «Интерферон» лабораторияси раҳбари, биология фанлари доктори **Алиқул САЙТҚУЛОВНИНГ** вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институти қошидаги «Компьютер технологиялари» академик лицейи жамоаси академик Мирзоян Комилова укаси **Шухрат КОМИЛОВНИНГ** вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ҳўбсаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ — 966, 22129 нуқсала босилган, ҳажми — 2 рақоб, Обфорт устунида босилган. Қозғ бичими А—2. Газета ИМ компьютерда терилган ва операторлар **Дамиса Топез** ва **Баҳорал Файзува** томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан эълм материаллар қабул қилинмайди. [П]—Тикторат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзуева. Навбатчи — Х. Эшманов. Мусоҳҳа — И. Туреунова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5